O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 16 февраль, № 32 (4947) Сешанба



## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

**15 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.**

Мажлисни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д. Тошмуҳамедова олиб борди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш — устувор мақсадимиздир» маърузасидан келиб чиқадиган Олий Мажлис қуйи палатасининг вазифаларини муҳокама қилиш мажлис кун тартибидаги асосий масала бўлди.

Мазкур масаланинг муҳокамаси вақтида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар. Улар таъкидладиларки, аввалги чақириқ Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятидаги давлатимиз раҳбари кўрсатиб ўтган камчиликлар парламент ишининг барча йўналишларини чуқур қайта мушоҳада ва таҳлил қилишни, келгуси беш йиллик даврда амалга ошириладиган қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолиятининг устувор йўналишларини аниқ белгилаб олишни, Ўзбекистонда олиб борилаётган социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар талаблари билан жипс боғлиқ ҳолда чуқур ва ҳар томонлама ишлаб чиқилган, узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастури қабул қилишни тақозо этади. Бунда мамлакатимизда ўтказилаётган ислоҳотларнинг қонунчилик ва норматив базасидаги нуқсонларга тезда барҳам беришга, шунингдек, қабул қилинган қонун ҳужжатларининг ижроси устидан парламент назоратини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиш таклиф қилинди.

Сўзга чиққанлар ҳозирги кунда 100 дан ортиқ ихтисослашган нодавлат нотижорат ташкилотларни бирлаштириб турган Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатларнинг парламент ишида доимий равишда иштирок этиши муҳим эканлигини таъкидлаб ўтдилар. Мазкур ҳаракат вакиллари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчиликни янада ривожлантиришга, ушбу соҳада қабул қилиб бўлинган ҳужжатларнинг сўзсиз бажарилиши учун марказда ва жойларда давлат ҳокимияти органларининг, шунингдек, турли жамоат ва бошқа тузилмаларнинг масъулиятини ошириш юзасидан тизимли ишни ташкил этишга кўмаклашишлари керак. Ўзбекистон экологик ҳаракати ҳозирги кунда сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарилган бўлиб, депутатнинг юксак минбаридан туриб атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини ўртага қўйиш ва назорат қилишда, инсон ва мамлакат аҳолисини экологиянинг хавфли ва таҷовузкорона ўзгаришларидан сақлаб қолишда жуда катта имкониятларга эгадир.

Депутатлар таъкидладиларки, мустақил Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичида профессионал икки палатали Олий Мажлис олдида турган мураккаб ва масъулиятли вазифаларни ҳал этиш учун парламент иши самарадорлигини ошириш йўлларини тинимсиз излаш, қонунлар ва депутатлик сўровлари ташаббуси билан чиқишда юксак фаоллик ва масъулият, ўз сайловчиларининг манфаатларини ҳимоя қилишда дадиллик ва изчиллик кўрсатиш зарур. Шу муносабат билан ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан янада таъсирчан жамоатчилик назоратини таъминлаш, мамлакатимизнинг амалга оширилаётган ички ва ташқи сиёсатини кенг ёритиш учун сиёсий партияларнинг парламентдаги фракциялари ролини кучайтириш, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш муҳимдир.

Сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари истиқболга мўлжалланган иш режалари тўғрисида сўзладилар. Бунда Олий Мажлис ҳар иккала палатасининг қўшма мажлисида давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатиб ўтилган камчиликлар ва устувор йўналишлар ҳисобга олинди, қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолиятини такомиллаштириш юзасидан бир қатор аниқ таклифлар киритилди. Хусусан, депутатларга берилган қонун ташаббускорлиги ҳуқуқидан тез-тез ва янада самарали фойдаланиш, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда партияларнинг дастурий мақсадларини ва сайловчиларнинг манфаатларини кенгроқ ифода этиш таклиф қилинди.

Мажлисда депутатлар ўз округларидаги сайловчилар билан олиб борадиган ишларини такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасининг, қабул қилинган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини мамлакатимиздаги барча фуқароларга етказиш, қонун ижодкорлиги фаолияти жараёнида одамларнинг фикр-мулоҳазаларини доимо эътиборга олиш муҳимлигини таъкидладилар. Сиёсий партияларнинг парламентдаги вакиллари халқ ва ҳокимият ўртасида воситачи бўлишлари, аҳолининг долзарб муаммоларини тегишли ҳокимият тузилмаларига етказишлари кераклиги таъкидлаб ўтилди. Парламент назоратининг депутатлик сўрови, ҳокимият ижроия органлари раҳбарларининг ижтимоий-иқтисодий ва жамият ҳаётининг бошқа соҳаларидаги ишлар ҳолати тўғрисидаги ахборотини эшитиш каби шаклларидан янада самарали фойдаланиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

(Давоми 2-бетда).

## СОҒЛОМ, ЎКТАМ, ШИЖОАТЛИ

**Фарзандларимизнинг ана шундай вояга етишлари учун юртимизда барча шарт-шароитлар мавжуд.**



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

2010 йил — Баркамол авлод йили

***Мамлакатимизда спорт соҳасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, амалий саъй-ҳаракатлар жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом авлодни вояга етказишда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир.***

***Бунда, айниқса, Президентимиз ташаббуси билан 2002 йилда ташкил этилган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг фаолияти алоҳида ўрин эгаллайди.***

Ушбу жамғарманинг асосий вазифаларидан бири сифатида болалар спортини аниқ мақсад йўлида барқарор ривожлантиришга кўмаклашиш кўрсатиб ўтилган бўлиб, бу борада зарур чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2010 йилни “Баркамол авлод йили”, деб эълон қилдилар. Шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастурида ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш, болалар спортини ривожлантириш соҳасида ёшларни, айниқса, қишлоқ қизларини спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этиш, янги спорт мажмуаларини, стадионлар ва иншоотларни қуриш, уларни замонавий спорт анжомлари ва жиҳозлари билан таъминлаш, юқори малакали устоз ва мураббийлар билан мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни изчил кучайтириш алоҳида кўрсатиб ўтилган.

(Давоми 4-бетда).

## УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

***Аввал хабар қилинганидек, жойларда Юртбошимизнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар кенг муҳокама қилинмоқда.***

Сарҳисоб

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ.** Республика Жўқорғи Кенгеси Раиси М. Ерниязов бошқарган фаоллар йиғилишида асосий эътибор Президентимизнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгиланган вазифалар ижросига қаратилди.

Таъкидланганидек, 2009 — 2012 йилларда Инқирозга қарши чоралар дастури асосида юртимизни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш барқарорлиги таъминланиб, халқимиз фаровонлигини оширишга эришилди. Ўтган йили Қорақалпоғистон Республикасида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 8,2 фоиз кўпайди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 3, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари 7,2, пуллик хизмат кўрсатиш 13,6 фоиз ўсди.

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури асосида 5 та лойиҳа амалга оширилди. Натижада бундай маҳсулотлар йил давомида 10,6 фоизга кўпайди. Экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш натижасида ўтган йили 2008 йилдагига нисбатан экспортга маҳсулот чиқариш 24 фоиз ортиб, иқтисодиётга киритилган чет эл инвестициялари миқдори 5 мартага ошди.

Бандлик дастури асосида 48 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Уларнинг 85,5 фоизи қишлоқ жойларида ташкил этилди.

Йиғилишда, шунингдек, мавжуд камчиликларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилиб, 2010 йилнинг энг устувор вазифалари, “Баркамол авлод йили” Давлат дастурида кўзда тутилган ишлар ва муҳокама этилган масалалар ижросига доир амалий чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Хўжаев иштирок этди.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

* * *

**ХОРАЗМ.** Фаоллар йиғилишида вилоят ҳокими О. Оллаберганов маъруза қилди. Унда таъкидланганидек, вилоятда Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чораларнинг 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган дастури доирасида барча соҳаларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, йирик саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, қишлоқ хўжалигини изчил ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, фермерлик ҳаракатини рағбатлантириш, қишлоқларнинг ижтимоий инфратузилмасини янада яхшилаш борасида дуруст натижаларга эришилди.

Хусусан, ўтган йили вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 6,4 фоиз ошди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 3,2 фоиз, қишлоқ хўжалигидаги ўсиш 6,1 фоиз, чакана савдо айланмаси 15,5 фоиз, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 8,1 фоизга кўпайди.

“Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастури ижросини таъминлаш, аҳоли бандлигини ошириш, қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш борасида қилинган ишлар ижобий натижаларини берди. Хусусан, ҳисобот даврида 59 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Шунингдек, йиғилишда қатор соҳаларда айрим камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилгани танқидий баҳоланди. Жумладан, 5 та корхона маҳсулот экспорти ҳажмини режадагидан камайтириб юборган. Натижада вилоятда ушбу соҳалардаги ютуқлар салмоғи камроқ бўлди. Йиғилишда мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилаб олиниб, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг барча йўналишлари бўйича 2010 йилнинг устувор вазифаларига жиддий эътибор қаратилди.

Хоразм вилояти фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Хўжаев сўзга чиқди.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

* * *

**ЖИЗЗАХ.** Вилоят ҳокими С. Исмаилов бошқарган фаоллар йиғилишида асосий эътибор Юртбошимизнинг шу йил 29 январда Республика Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган долзарб вазифалар ижросини таъминлаш масалаларига қаратилди.

Йиғилишда қайд этилганидек, 2009 йилда вилоятни ривожлантириш, корхоналарни модернизация қилиш, янгилаш бўйича олиб борилган тадбирлар, Инқирозга қарши чораларнинг 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган дастурини бажаришда барча имкониятлар сафарбар қилиниши туфайли иқтисодий ривожланишнинг барқарор суръатларини таъминлашга, инқироз оқибатларига қарши туришга муваффақ бўлинди. Хусусан, вилоят бюджетининг даромадлар режаси 103 фоизга бажарилди.

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### Илғор технологиялар шарофати

***ФАРҒОНА. “Марғилон Осиё Текс” масъулияти чекланган жамиятига киритилган 1 миллион 400 минг АҚШ долларилик сармоя ҳисобига корхона тўла модернизация қилинди.***

Натижада жамиятнинг ишлаб чиқариш ҳажми қарийб икки баробарга ортиб, якунланган йилда бу ерда 361 тонна калава ип тайёрланди. Эътиборлиси, корхонанинг сифатли маҳсулотлари, асосан, экспорт қилинмоқда.

Муҳими, илғор технологияларнинг ишлаб чиқаришга жорий қилиниши ҳисобига 50 тага яқин янги иш ўрни яратилди.

**Н. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Чармдан тайёр маҳсулот

***НАМАНГАН. Косонсойдаги “Tradewell international” хорижий корхонасида 266,7 минг АҚШ доллари миқдоридаги инвестиция ҳисобидан кенг кўламли модернизация ишлари амалга оширилди.***

Бу ерда маҳаллий хом ашё — табиий чармдан аёллар ва эркаклар учун юз турдан ортиқ кийимлар ишлаб чиқарилмоқда.

43 киши меҳнат қилаётган корхона жамоаси ўтган йили ички бозорга 420 миллион сўмлик маҳсулот чиқарди. 20 минг АҚШ долларилик кийим-кечак эса экспорт қилинди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Йўллар равон, манзил яқин

***НАВОИЙ. Хатирчи тумани йўл хўжалик пудрат таъмирлаш ва ундан фойдаланиш давлат корхонаси томонидан 17,5 километр масофадаги ички йўлларга асфальт ётқизилди.***

Шунингдек, қишлоқларни туман маркази билан боғловчи йўллар таъмирдан чиқарилиб, атрофи ободонлаштирилди. Бу мақсадлар учун маҳаллий бюджетдан 311,2 миллион сўм сарфланди.

**Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Султонободда саноат корхонаси

***АНДИЖОН. Қўрғонтепа туманидаги Султонобод қишлоғида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Водий адолат нури” масъулияти чекланган жамияти иш бошлади.***

Бу ерда хориждан келтирилган замонавий технологиялар ёрдамида миллий услубдаги эшик ва дераза ромлари тайёрланмоқда. 26 киши меҳнат қилаётган ушбу корхона дастлабки 20 миллион сўмлик маҳсулотини савдога чиқарди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Бир рақам шарҳи

***Баркамол авлод йили учун қабул қилинган Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида барча молиялаш манбалари ҳисобидан***

### БАРКАМОЛ АВЛОД — ВАТАН КЕЛАЖАГИ

**8 триллион сўм атрофида маблағ ажратилди.**

*Бундай улкан ҳажмдаги маблағ фарзандларимизнинг ҳар жиҳатдан баркамол инсон бўлиб вояга етиши учун барча зарур имконият ва шароитларни яратишга хизмат қилади.*



# ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Муҳокама якунлари бўйича депутатлар қарор қабул қилдилар. Унга мувофиқ Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг фаолият дастури лойиҳасини тайёрлаш учун махсус комиссия тузилади. Сиёсий партиялар фракцияларига, Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳига ва Қонунчилик палатасининг қўмиталарига қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини тубдан яхшилашга, муқаддам қабул қилинган ҳуқуқий нормалардан фарқ қиладиган тафовутларга, қайтариқларга барҳам беришга қаратилган чоралар кўриш, ҳавола нормаларини камайтириш тавсия этилди. Уларга назорат вазифаларини режалаштириш ва амалга оширишда 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини ва унда ижтимоий-иқтисодий соҳани барқарор ривожлантириш, Олий Мажлис томонидан тасдиқланган 2010 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳолининг бандлигини таъминлаш дастурини сўзсиз бажариш юзасидан назарда тутилган чора-тадбирларни рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратиш таклиф қилинди.

Қонун ижодкорлиги соҳасидаги стратегия ва вазифаларни белгилашда жамият ва давлат қурилиши тизимида фуқаролик жамияти институтларининг, шу жумладан, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатларини кенгайтиришга, маҳаллани аниқ йўналтирилган ҳолда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантиришга устувор аҳамият қаратиш режалаштирилмоқда.

Депутатлар мамлакат вазирликлари ва идораларининг бундан буёнги фаолиятини такомиллаштириш, қабул қилинган қонунларнинг давлат ҳокимияти ва маҳаллий бошқарув органлари томонидан ижро этилиши устидан парламент назоратини кучайтириш юзасидан ҳар томонлама пухта тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида Ҳукумат аъзоларининг, вазирлик ва идоралар раҳбарларининг тегишли тармоқларда қонунлар, ўта муҳим давлат дастурларининг ижроси тўғрисидаги ахборотини эшитишни ва муҳокама қилишни ҳам назарда тутмоқдалар.

Қонунчилик палатаси ижтимоий-сиёсий ва суд-ҳуқуқ тизимини мунтазам равишда янгилаб борган ҳолда, иқтисодиётни ва ижтимоий соҳани ислоҳ қилиш жараёнлари аниқ ва кенг кўламда ўзаро боғлиқ бўлишини таъминлашга, фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини мустаҳкамлашга, нодавлат ОАВ фаолиятини янада эркинлаштириш ва жонлантиришга, «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида назарда тутилган қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишга, Ўзбекистон Республикаси Президенти маърузасидан келиб чиқадиган қоидалар ва вазифаларни ҳаётга сўзсиз татбиқ этиш, қабул қилинадиган қонунларнинг моҳиятини тушунтириш бўйича сайловчилар билан мунтазам иш олиб боришга ҳам ўз саъй-ҳаракатларини қаратиш ниятидадир.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) 2009 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот ҳам кўриб чиқилди. Ушбу масала бўйича Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил С. Рашидова сўзга чиқди. Ушбу ҳужжатнинг муҳокамаси чоғида депутатлар Омбудсманнинг ўтган йилдаги фаолияти қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари билан, барча бўғинлардаги давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга қаратилганлиги хусусида тўхталдилар. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунларнинг амалда қўлланилиши мониторингини юритиш, парламент қўмиталари, ҳукумат, вазирликлар ва идоралар қабул қилган қонунларнинг экспертизаси, миллий қонунчиликни умумэътироф этилган принциплар ва халқаро ҳуқуқ нормалари билан мувофиқлаштириш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида катта иш амалга оширилди.

Омбудсманнинг Олий Мажлис қуйи палатаси билан ҳамкорлиги нафақат қонун лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизасини ўтказишга, балки назорат-таҳлил фаолиятида иштирок этишга, қонунчиликка риоя этилиши мониторингининг якунлари бўйича ахборот алмашишга, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари ташкил этиш ва ўтказишга ҳам қаратилди.

Фуқароларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилаётганлиги тўғрисидаги шикоят ҳамда мурожаатларини кўриб чиқиш, бузилган ҳуқуқ ва эркинликларни тиклаш бўйича чора-тадбирлар кўриш Омбудсман фаолиятининг асосий йўналишини ташкил қилди. Ҳисобот даврида Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилга фуқаролардан 10409 та ёки 2008 йилдагига нисбатан 1,3 марта кўп мурожаат келиб тушди. Бу маълумотлар мамлакатимизда Омбудсман каби фуқароларнинг ҳуқуқларини суддан ташқари ҳимоя қилиш органига нисбатан аҳолининг ижтимоий ишончи ошганлигидан далолат беради.

Муҳокама чоғида депутатлар Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг иккала палата билан ҳисобот давридаги ҳамкорлиги самарадорлигини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича барча миллий институтлар саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни бундан буён ҳам давом эттириш зарурлигини, ушбу соҳадаги ҳуқуқий ахборот ва қабул қилинган қонун ҳужжатлари ижроси устидан назорат қилишда фуқаролик жамияти тузилмалари билан ҳамкорлик муҳимлигини таъкидладилар.

Депутатлар баён қилган фикр-мулоҳазалар инобатга олинган ҳолда, Қонунчилик палатаси Омбудсманнинг ҳисоботини тасдиқлаб, тегишли қарор қабул қилди.

**(ЎзА).**

# УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

2009 йилда ялпи ҳудудий маҳсулот 106,9 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 105,4 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти 104,1 фоизга ўсди. Капитал қўйилмалар 102,9, пудрат ишлари 118,6, чакана товар айланиши 116,3, пулли хизмат кўрсатиш ҳажми 115,8 фоизга ўсиши таъминланди.

Вилоят бўйича ўзлаштирилган 230,2 миллиард сўмлик капитал маблағ эвазига 393,7 минг квадрат метр уй-жой, 196,5 километр ичимлик суви, 55,1 километр табиий газ тармоқлари қурилди. 5 та янги мактаб барпо этилиб, 72 та мактаб реконструкция қилинди. 14 та болалар спорти мажмуаси фойдаланишга топширилди.

Йиғилишда, шунингдек, вилоят корхона-ташкилотлари раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимликлари имкониятлар даражасида фаолият кўрсатмаганлиги жиддий танқид қилинди. Хусусан, истеъмол моллари ишлаб чиқариш кўрсаткичи мўлжалдагидан кам бўлгани алоҳида қайд этилди.

Шунингдек, аҳолига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги камчиликлар ҳам таҳлил этилиб, танқид остига олинди.

Бу каби камчилик ва нуқсонларга барҳам бериш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан йиғилишда аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Вилоят фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Ғаниев сўзга чиқди.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

* * *

**СИРДАРЁ.** Вилоят ҳокими О. Ашурматов маъруза қилган фаоллар йиғилишида вилоятда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ислоҳотларни амалга ошириш, ўсиш суръатларини таъминлаш, саноат корхоналарини модернизациялаш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқларнинг инфратузилмасини яхшилаш борасида муайян ишлар амалга оширилганлиги эътироф этилди.

Хусусан, вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот 5,2 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 9,3, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми 6,1, капитал қўйилмалар ҳажми 40, пудрат ишлари 16,2, чакана савдо айланмаси 13,1, пуллик хизмат кўрсатиш 15,8 ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 4,8 фоизга ўсди.

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида 37899 та янги иш ўрни яратилиб, шу жумладан, уларнинг 29933 таси қишлоқ жойларида ташкил этилди. Боёвут, Сирдарё, Сардоба туманларида намунавий лойиҳалар бўйича 60 та оилага уй-жойлар барпо этилмоқда.

Йиғилишда вилоятда амалга оширилган ишлар чуқур таҳлил этилиб, йўл қўйилган камчиликлар танқид қилинди. Хусусан, Гулистон шаҳри, Сайхунобод туманида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга етарлича эътибор қаратилмаган. Мирзаобод, Сардоба, Гулистон, Ховос, Оқолтин, Сайхунобод туманларида хорижий инвестициялар жалб этиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш борасида сусткашликка йўл қўйилган. Ушбу камчиликларга барҳам бериш, вилоятга хорижий сармояларни кўпроқ жалб этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, корхоналарни модернизация қилиш ҳисобига ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмини ошириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Ғаниев иштирок этди.

**Шомурод ХОЛМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

* * *

**НАВОИЙ.** Вилоят ҳокими Э. Турдимов бошқарган фаоллар йиғилишида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш, Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш тадбирларини давом эттириш, 2010 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришни таъминлаш масалаларига эътибор қаратилди.

Вилоятда барқарор иқтисодий ўсиш даражасини таъминлаш йўлидаги устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда уларнинг ҳаётга татбиқ этилишига эришилди. Хусусан, ялпи ҳудудий маҳсулот 8,2 фоиз ўсди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1,8, истеъмол моллари ишлаб чиқариш 7, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти 7,1, чакана савдо айланмаси 21,5, хизматлар ҳажми 20,6, қурилиш ишлари 7,2 фоиз кўпайди.

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида 222,1 млрд. сўм маблағ сарфлангани қишлоқ аҳолиси турмуш шароитини яхшилашга ижобий таъсир кўрсатди. Шу билан бирга, янги иш ўринлари яратиш борасида ҳам қатор ютуқлар қўлга киритилди. 2009 йил мобайнида аниқ белгиланган дастур асосида 40 мингта янги иш ўрни яратилди. Уларнинг 68,5 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига тўғри келади.

Йиғилишда, шунингдек, қатор соҳаларда айрим камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилгани таъкидланиб, уларни ҳал этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Шоисматов сўзга чиқди.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Тупроқни зарарли минераллар ва шўрдан тозалаш муҳим агротехника тадбирларидан бири. Шуни ҳисобга олган Мингбулоқ тумани деҳқонлари ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш юзасидан муайян ишларни амалга оширмоқдалар.***

# УНУМДОР ЕР — МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИ

**Фармон ва ижро**

Маълумки, кучли даражада шўрланган экин майдонининг ҳосилдорлиги гектар бошига 5-7 центнергача пасаяди. Қолаверса, сўнгги йилларда тумандаги айрим фермер хўжаликларида пахта ҳосилдорлиги гектарига 15 центнердан ошмаётганлиги ана шу юмушни бажаришни тақозо этмоқда. Президентимизнинг 2007 йил 29 октябрдаги "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борада дастуриламал бўлмоқда. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, янгитдан ташкил этилган "Мингбулоқсувмахсуспудрат" давлат унитар корхонаси жамоаси томонидан ўтган йили 551,6 миллион сўмлик иш уддаланиб, зовур ва коллекторларни мукаммал таъмирлаш билан боғлиқ тўртта лойиҳа муваффақиятли амалга оширилди.

Маълумотларга кўра, тумандаги "Аччиққўл" даҳаси кучли шўрланган ҳудудлардан ҳисобланади. Бу ерда ҳосил бўлган ер ости сувини чиқариб юбориш учун коллекторлар тўла қувват билан ишлаб туриши зарур. Аммо афсуски, кейинги йилларда суғориш агротехникаси бузилиши, зовурлар ўз вақтида кавланмаганлиги оқибатида шўрланиш даражаси янада кучайиб кетди. Мазкур муаммони бартараф этиш учун Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаменти томонидан ажратилган маблағ ҳисобига мавжуд коллекторларнинг 192 километрлик қисмида 332,6 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилди.

— Ана шу мелиоратив тадбир самараси ўтган йилдаёқ яққол сезилди, — дейди "Ашурали ота-2000" фермер хўжалиги раҳбари М. Эгамбердиев. — Пахта тайёрлаш бўйича шартнома режаси ошириб адо этилди.

Дарҳақиқат, "Мингбулоқсувмахсуспудрат" давлат унитар корхонаси жамоаси ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича ибратли ишларни амалга оширмоқда. Кейинги тўрт йил мобайнида 299 километр узунликдаги коллекторлар таъмирдан чиқарилиб, 5 минг гектардан зиёд экин майдонининг ҳосилдорлиги оширилгани бунинг тасдиғидир. Албатта, ушбу тадбирларни муваффақиятли уддалаш учун қудратли техникалар зарур. Эътиборлиси, бу ерда 23 та замонавий машина ва механизм, жумладан, экскаватор ва бульдозерлар мавжуд. Уларнинг аксарияти "Ўзмелиомашлизинг" компанияси кўмагида Хитойдан лизинг асосида харид қилинган.

Жорий йилда корхона жамоаси яна тўртта лойиҳани рўёбга чиқаришни режалаштирган. Унга кўра, 295 километр узунликдаги сув тармоқлари таъмирдан чиқарилади. Натижада 5 минг 736 гектар экин майдони шўрдан тозаланади. Айни кунларда Мингбулоқда ернинг шўрини ювиш ишларига 20 дан зиёд техника ҳамда мингга яқин мироб жалб қилинган. Ҳозиргача улар 12 минг гектар ерга бир марта, 709 гектар майдонга икки марта яхоб бериш юмушларини бажаришга улгурдилар. Зеро, унумдор ер — мўл ҳосил гарови.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2010 йил 16 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1361,71 | 1 Малайзия ринггити | 448,11 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2401,87 | 1 Польша злотийси | 520,86 |
| 1 Дания кронаси | 280,61 | 1 СДР | 2351,47 |
| 1 БАА дирҳами | 417,68 | 1 Туркия лираси | 1014,25 |
| 1 АҚШ доллари | 1534,15 | 1 Швейцария франки | 1424,07 |
| 1 Миср фунти | 279,50 | 1 евро | 2104,12 |
| 1 Исландия кронаси | 11,90 | 10 Жанубий Корея вони | 13,35 |
| 1 Канада доллари | 1460,54 | 10 Япония иенаси | 170,20 |
| 1 Хитой юани | 224,53 | 1 Россия рубли | 50,87 |
| | | 1 Украина гривнаси | 191,53 |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

# КЎРКАМ, ФАЙЗЛИ ВА ҚУЛАЙ УЙ-ЖОЙЛАР



*Мамлакатимизда якка тартибдаги уй-жойлар қурилиши кўламини кенгайтириш асосида қишлоқ аҳолисининг тураржой шароитларини яхшилашга катта эътибор қаратиляпти.*

**Бунёдкорлик**

Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бунда муҳим аҳамият касб этаётир. Мазкур қарорга мувофиқ, Вобкент тумани «Харгўш» қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Паноб аҳоли масканида уй-жой ва ижтимоий аҳамиятга молик объектларнинг дастлабки қисми қад ростлади.

— Лойиҳага мувофиқ, бу ерда йигирмата уй-жой қурилишини поёнига етказаяпмиз, — дейди "Вобкентбунёдкортаъмир" масъулияти чекланган жамияти раиси Бахтиёр Аслонов. — Объектда бир миллиард 128 миллион сўмлик иш бажарилди. Ҳозир пардозлаш ишларини олиб бораяпмиз. Замонавий, кўркам, миллий уйсозлик анъаналари асосида барпо этилган бу уйларда табиий газ, иситиш, сув, электр энергияси таъминоти йўлга қўйилди.

Объектда 280 нафар ишчи меҳнат қилаяпти. Уларнинг унумли ишлашлари учун барча қулайликлар яратиб берилган. Бухорода ёз жуда иссиқ, қиш эса совуқ келиши инобатга олиниб, лойиҳалаштирилган уйлар пишиқ ғиштдан тикланди. Муҳими, лойиҳага мувофиқ, жамият жамоаси бу ерда яна 34 та уй қурилишини бошлаб юборди. "Вобкент Паноб қурилиш" масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари ҳам бу объектда 25 та уй-жой қурилишини жадал олиб боришмоқда. Тайёр ҳолда топшириш шартлари асосида қад ростлаётган ушбу тураржойларга аҳолидан аллақачон буюртманомалар тушган.

Жами 450 нафар кишига мўлжаллаб қурилаётган мазкур уй-жойлар Панобни нафақат Вобкентнинг, балки Бухоро вилоятининг энг шинам, кўрса ҳавас қилгулик аҳоли масканига айлантириши муқаррар.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТДА:** қурилиш жараёнидан лавҳа.

**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.**

***Мамлакатимиз коммуникация тизимида темир йўл транспортининг аҳамияти катта. Шу боис Президентимиз ташаббуси билан мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб темир йўл қурилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада мўъжизаларга менгзалаётган янги темир йўл линиялари барпо этилди. Яъни юртимиз Шимолида "Навоий — Учқудуқ — Султон Увайстоғ — Нукус", Жанубда "Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон" темир йўллари қурилиб, ягона темир йўл транспорт тизими яратилди. Азалий орзуларимиз рўёбга чиқиб, дунё бозорларига янги йўллар очилди.***

# ХАЛҚИМИЗ БУНЁДКОРЛИК ҚУДРАТИ

**Ислоҳот**

Бундай истиқболли дастурлар шарофати билан Европа ва Осиё ўртасидаги савдо оқимининг маълум қисми мамлакатимиздаги транзит йўналишларига бурилгани диққатга сазовордир. Бу, ўз навбатида, транспорт ва транзит хизмати ҳажмининг ошишига, мавжуд инфратузилма негизида логистика марказларини ташкил этиш ва минглаб одамларни иш билан таъминлашга хизмат қилаётир.

Ўтган йили ҳам темир йўл транспорти тизимини ривожлантириш ва модернизация қилиш, темир йўлларни электрлаштириш ҳамда паркларни замонавий локомотивлар билан янгилашга қаратилган лойиҳалар жадал давом эттирилди. Юртбошимиз 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида алоҳида таъкидлаганидек, "Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон" темир йўл линиясида Япония капитали иштирокида 5 та кўприк фойдаланишга топширилиб, мазкур линиядаги кўприклар сони 44 тага етказилди.

Мутахассисларнинг айтишича, темир йўл кўприкларининг нафақат коммуникация тизими, балки иқтисодиётимиз ривожида ҳам аҳамияти беқиёсдир. Буни Амударё узра Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятини мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари билан бевосита боғловчи 681 метрлик ноёб кўприк мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Гап шундаки, 2009 йилда ушбу кўприк орқали Истиқлол ва Мискин станцияларини боғловчи 24 километр масофада ташилган юк айланмаси 42 миллион 993 минг тонна-км. дан ошиб кетди.

Шунингдек, денгиз сатҳидан 1500 — 1800 метр баландликда пўлат излар ётқизилган "Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон" темир йўл линиясида ҳам юк ташиш ҳажми йил сайин ошиб бораяпти. Эътибор қилинг, ушбу йўлда ташилган умумий юк ташуви 2008 йилда 4 миллион 174 минг тоннани ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2009 йилда 5 миллион 882 минг тоннага етди.

Янги кўприкларнинг фойдаланишга топширилиши бу борадаги имкониятларни янада кенгайтириши, шубҳасиз. Гап шундаки, шу пайтгача поездлар айрим дара ва сойларни айланиб ўтарди. Умумий узунлиги 1183 метрга тенг янги кўприкларнинг қурилиши туфайли бунинг олди олиниб, вақт ва катта миқдорда маблағ иқтисод қилишга эришилмоқда. Энг муҳими, қатновлар хавфсизлиги таъминланди.

Маълумот учун айтиш керакки, янги кўприклар денгиз сатҳидан 1243 — 1518 метр баландликда қад ростлади. Бундай мураккаб шароитда маҳобатли иншоотларни қуриш осон эмаслигини тасаввур қилиш қийин эмас. Қувонарлиси, бу жараёнда япон мутахассислари қаторида юртимиз қурувчилари ҳам фаол иштирок этдилар. Уларнинг фидокорона меҳнатлари эвазига иншоотлар белгиланган муддатларда қуриб битказилди. "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси мутахассисларининг айтишича, ушбу иншоот нафақат маҳобати, балки мураккаб муҳандислик ечими билан ҳам Ҳамдўстлик давлатлари ичида ягона ҳисобланади. Уларни лойиҳалаштиришдан тортиб, қуриш технологиясида ҳам янги усуллардан фойдаланилди. Натижада ўта мустаҳкам ва хавфсиз кўприклар вужудга келди.

Дунё давлатлари жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан жиддий азият кўраётган бир шароитда "Аср мўъжизаси"нинг давом эттирилиши чиндан-да, эътиборга молик жиҳатдир. Нега деганда, кўлами жиҳатидан ниҳоятда катта бўлган бу қурилиш ишларига жами 151 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарф этилди. Бу мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида узоқни кўзлаб амалга оширилаётган оқилона ислоҳотларнинг амалдаги самарасидир.

Бугун тоғу тошларни кесиб ўтган "Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон" темир йўл линиясида қатнаётган поездларни кўрган кишининг ҳайрати ошади, халқимиз бунёдкорлик қудратининг ифодаси сифатида қалбларида фахр-ифтихор ҳисси уйғонади. Зотан, пўлат излар етиб борган манзилларга саноат ҳам кириб бораётир. Иқтисодиётимиз ривожига хизмат қиладиган завод ва фабрикалар бунёд этилиб, маҳаллий аҳолининг турмуш шароити янада фаровон бўлмоқда.

Қувонарлиси, бундай йирик лойиҳалар жорий йилда ҳам изчил амалга оширилмоқда. Бу мамлакатимиз коммуникация тармоқларининг янада ривожланишига, энг асосийси, иқтисодиётимиз юксалишига хизмат қилади, албатта.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЖАҲОН

***Иқтисодий жиҳатдан дунёда АҚШдан кейин иккинчи ўринда турувчи Япония 2009 йил якунлари бўйича ҳам ушбу мавқеини сақлаб қолди.***

## Мавқеини сақлаб қолди



Бу ҳақда "Франс пресс" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Кунчиқар юртда ўтган йили ялпи ички маҳсулот ҳажми 5,1 триллион АҚШ долларини ташкил этган. Аввалроқ Япония ўрнини Хитой эгаллаши мумкинлиги тахмин қилинганди. Чунки мазкур давлат сўнгги пайтларда ижобий натижаларга эришмоқда. Масалан, 2009 йилда унинг ЯИМ кўрсаткичи 4,9 триллион АҚШ долларига етган.

Эслатиб ўтамиз, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида кунчиқар юрт, асосан, экспортда зарар кўрди.

## Кўприк кўтара олмади

***Хитойнинг Сичуань музофотида бахтсиз ҳодиса рўй берди.***

Ахборот агентликлари хабарига қараганда, ҳудуддаги Люцзян дарёси устидан ўтган осма кўприк қулаб тушган. Оқибатда, 28 киши жароҳатланган. Улардан 7 нафарининг аҳволи оғир экани айтилмоқда.

Гувоҳларнинг таъкидлашича, шу куни маҳаллий аҳоли вакиллари ўзларининг миллий байрамини нишонлаётган эдилар. Сайил чоғида кўприк устига меъёридан ортиқча одам чиқиши натижасида осма иншоот узилиб кетган. Тасодиф туфайли ҳеч ким қурбон бўлмаган.

Мазкур кўприк 1960 йилда бунёд этилган экан.

## Поездлар тўқнашди

***Бельгия пойтахти Брюссель шаҳри яқинида икки поезд тўқнашиб кетди, дейилади "Ассошиэйтед пресс" ахборотида.***

Дастлабки маълумотларга кўра, ҳалокат оқибатида 20 киши ҳаётдан кўз юмган, ўнлаб кишилар жиддий жароҳатланган. Ҳозирча воқеа сабаблари номаълум. Текширув ишлари олиб борилмоқда.

# 24 соат ичида

***Германияда "Берлинале" халқаро кинофестивали бўлиб ўтмоқда.***

***Бу йилги танловда 20 та киноасар бош соврин — "Олтин айиқ" ва "Кумуш айиқ" мукофоти учун курашаяпти.***

## Қайси фильм совриндор бўлади?

60 Internationale Filmfestspiele Berlin 11.–21.02.10

Мутахассисларнинг фикрича, кинофестиваль нуфузи сўнгги пайтларда Канн, Венеция шаҳарларида ўтказиладиган шундай танловлардан ошиб бораяпти. 21 февралга қадар давом этадиган мазкур тадбирда жаҳон киноси намояндаларидан Леонардо ди Каприо, Жерар Депардье, Жанна Моро, Бен Стиллер, Эван Макгрегор, Жеки Чан ва бошқаларнинг иштирок этиши кутилмоқда.

## Уйқунинг ҳам меъёри бор

***Буюк британиялик олимлар инсоннинг неча соат ухлаши мумкинлиги юзасидан тадқиқот олиб боришди.***

Одатда, бир кеча-кундузда ҳар бир киши учун 8 соат ухлаш меъёрий кўрсаткич сифатида қабул қилинган. Лекин бу ҳолат йил сайин ўзгариб бораркан. Хусусан, 20-30 ёш атрофидагилар ўртача 7,2 соат, 40-55 ёшлилар 6,8 соат, 66-83 ёшдагилар эса 6,5 соат ором олишаркан.

## Акула билан олишув

***Австралиялик 60 ёшли Падди Трумболл хоним тасодиф туфайли акула ҳужумидан омон қолди.***



"The Daily Telegraph" нашрида ёзилишича, аёл Квинсленд штатидаги Уитсандей оролида сузаётган бўлган. У қирғоқдан 200 метр узоқроққа борганида акула ҳужумга чоғланганини пайқаб қолади. Шундай бўлади ҳам — бир ярим метрли наҳанг аёлнинг қўлини тишлайди. Лекин бу ҳолдан Трумболл ўзини йўқотиб қўймайди. Куч тўплаб, акулага оёғи билан зарб беради ва қочишга улгуради.

Айни пайтда аёл шифохонада даволанмоқда.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

# Яхши хабарлар

## Хорижникига ҳожат қолмади

***Маҳаллийлаштириш дастури доирасида "Чироқчи-кварц" корхонасида кенг кўламли модернизация ишлари амалга оширилгач, бу ерда тайёрланаётган дала шпати миқдори ҳам ортиб, маҳсулот сифати тубдан яхшиланди.***

Маълумки, дала шпати олов ва кислоталар таъсирига чидамли қурилиш ашёлари ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади. Айтиш лозимки, мамлакатимиздаги йирик саноат корхоналари шу пайтга қадар ушбу хом ашёни валюта эвазига хориждан келтиришар эди. Корхона ўтган йилда Тошкентдаги "Огнеупор" МЧЖ, шиша-пластик қувурлар заводи каби йирик корхоналарга 5500 тонна маҳсулот етказиб берди.

**Б. НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Хизмат сифатини яхшилаш мақсадида

***Жиззах вилоятида почта хизмати кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида амалий чоралар кўрилмоқда. Айниқса, бу борада вилоятнинг чекка қишлоқларига тезкор хизмат кўрсатишни таъминлаш муҳим аҳамият касб этаётир.***

Шу мақсадда "Ўзбекистон почтаси" ОАЖнинг Жиззах филиали Бахмал, Зомин ва Янгиобод туманлари алоқа бўлимларига "Дамас" русумли автомобилларни тақдим этди. Натижада вилоятнинг энг олис ҳудудларига ҳам хат-хабар ва кундалик нашрларни вақтида етказиб беришдаги камчиликларга чек қўйилади.

**Б. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


ЎЗБЕКИСТОНГА КОНВЕКТОРЛАРНИ РАСМИЙ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ —

**«УКРАИНА БИЗНЕС МАРКАЗИ» МЧЖ**

минтақавий дилерларни ҳамкорликка чақиради, чегирмалар мавжуд!

**АЛОҲИДА ҲОЛДА ИСИТИШНИНГ ЯНГИЧА ЕЧИМИ!**

Ўзбекистон Республикасида сертификатланган, газда ишлайдиган «АКОГ» иситиш конвектори:

- *хонани тезда иситади;*
- *экологик тоза;*
- *белгиланган ҳароратни автоматик равишда бир маромда сақлайди;*
- *совуққа чидамли, сув, электр таъминоти ва газ босими ўзгариши унга таъсир кўрсатмайди;*
- *газни тежаб сарфлайди;*
- *бинолар, коттежлар, офислар, кафелар ва далаҳовлидаги уйларни иситишда унинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди.*

*Шунингдек, Украина ишлаб чиқарувчиларининг қуйидаги юқори сифатли маҳсулотларини етказиб берамиз: трансформаторлар, трансформатор кичик станциялари, насослар, тиббий препаратлар ва тиббиёт ускуналари, металл маҳсулотлари, темир йўллар учун буюмлар, кунгабоқар ёғи, қандолат маҳсулотлари, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда бошқа маҳсулотлар ҳаммабоп нархларда!*

118R/187

Тошкентдаги тел.: (99897) 158-85-75, (99871) 242-93-73, 242-84-64.
E-mail: ubcazia@rambler.ru www.ubcazia.com



**Ўз стендингизга эга бўлинг!**

worldfood 10 years UZBEKISTAN

agroworld 5 years UZBEKISTAN

10-юбилей ўзбек халқаро **КЎРГАЗМАСИ**

**ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ ва ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ**

**24-26 март 2010**

«Ўзэкспомарказ», Тошкент



Guvohnoma № 3583

Ташкилотчи: ufi Member, ITE UZBEKISTAN

- ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ
- ОЗИҚ-ОВҚАТ ИНГРЕДИЕНТЛАРИ
- ИЧИМЛИКЛАР
- ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ УСКУНАЛАРИ
- ҚАДОҚЛАШ УСКУНАЛАРИ
- ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Иштирок этиш масалалари бўйича ташкилотчилар офисига мурожаат қилинг. www.worldfood.uz

94R/59

Тел.: +(998 71) 113 01 80, факс: +(998 71) 252 51 64, E-mail: post@ite-uzbekistan.uz



SONATA

*Ўз йўлингни танла!*




Drive your way

Тўловни бўлиб-бўлиб 1 йил давомида амалга ошириш мумкин.

Кафолат — 2 йил ёки 50 000 км.

МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

HYUNDAI Official Partner

www.hyundai.com.uz
Tel. (8-371) 250-11-11

30R/1835



**Ҳурматли фермер хўжаликлари раҳбарлари, тадбиркор ва ишбилармонлар, деҳқон хўжаликлари ва шахсий томорқа эгалари!**

AGROBANK

# «АГРОБАНК»

**мамлакатимизнинг барча ҳудудларида фаолият кўрсатаётган 185 та туман ва шаҳар филиали, 468 та минибанки, 189 та махсус кассаси орқали 270 мингдан ортиқ юридик шахс мақомига эга бўлган мижозларга ҳамда 1 миллиондан зиёд жисмоний шахсларга банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.**

**2009 йил давомида «Агробанк» томонидан:**



**республикамизда чорвачиликни ривожлантиришга йўналтирилган 4 858 та лойиҳани молиялаштириш учун ажратилган 23 миллиард 700 миллион сўм кредит ҳисобига хориждан 21 388 бош зотдор қорамол келтирилди, 443 тонна гўшт, 15 511 тонна сут маҳсулотлари етиштирилди ва 10 535 та янги иш ўрни ташкил қилинди;**

**гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича минитехнологиялар ва ихчам ускуналар сотиб олиш учун ажратилган 7 миллиард 400 миллион сўм кредит ҳисобига 1 339 та иш ўрни ташкил қилинди;**

**ҳудудларда чорвачилик учун озуқа базасини кенгайтириш, жумладан, омихта ем, шрот ва шелуха сотиш шохобчаларини ташкил этиш ҳамда айланма маблағларни тўлдириш учун ажратилган 9 миллиард 500 миллион сўм кредит эвазига 323 та янги иш ўрни яратилди;**

**паррандачиликни ривожлантиришга қаратилган 386 та лойиҳани молиялаштиришга ажратилган 10 миллиард 100 миллион сўм кредит ҳисобига паррандалар сони 1 миллион 689 мингтага кўпайтирилиб, 20 миллион 533 минг дона тухум, 270 тонна парранда гўшти етиштирилди, 2 797 та янги иш ўрни яратилди;**

**балиқчиликни ривожлантиришга қаратилган 137 та лойиҳани молиялаштиришга ажратилган 1 миллиард 500 миллион сўм кредит ҳисобидан 296 та янги иш ўрни яратилди ҳамда 405 тонна ёки 1 миллиард 200 миллион сўмлик балиқ маҳсулотлари етказиб берилди;**

**асаларичиликни ривожлантиришга қаратилган 95 та лойиҳани молиялаштиришга ажратилган 1 миллиард 100 миллион сўм кредит ҳисобига 2 525 та янги асалари оиласи яратилиб, 162 та иш ўрни ташкил этилди ва 100 тонна ёки 1 миллиард 200 миллион сўмлик асал истеъмолчиларга етказиб берилди;**

**иссиқхоналар ташкил этишга қаратилган 299 та лойиҳани молиялаштиришга ажратилган 9 миллиард 300 миллион сўм кредит ҳисобидан 1 499 та янги иш ўрни яратилди ва 24 миллиард 700 миллион сўмлик маҳсулотлар истеъмолчиларга етказиб берилди;**

**4 796 та шахсий томорқа эгалари ҳамда фермер хўжаликларига сабзавот, полиз ва картошка уруғлари, мева ҳамда узум кўчатлари учун 9 миллиард 600 миллион сўм кредит ажратилди, бу кўрсаткич 2008 йилдагига нисбатан 38 фоизга кўпдир.**

*Қишлоқ хўжалиги корхоналарини техника воситалари билан таъминлаш мақсадида жами 100 миллиард сўмдан ортиқ кредит ажратилиб, дон ўриш комбайнлари, чопиқ ва ҳайдов тракторлари ҳамда бошқа техникалар харид қилинди.*

*Банк томонидан 2010 йилда республика аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ҳамда нарх-навони пасайтиришга қаратилган дастур банкнинг барча 185 та туман филиали бўйича ишлаб чиқилган бўлиб, бу лойиҳаларни амалга ошириш учун ажратиладиган кредитлар ҳисобига ўтган йилдагига нисбатан 1,5 баробардан зиёд қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилади, қайта ишланади ҳамда 11 928 та иш ўрни яратилади.*

**ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ҲАМЮРТЛАР, «АГРОБАНК» ФИЛИАЛЛАРИГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ!**

114R/181

*Бiз буюк инсон, мумтоз адабиётимизнинг йирик намояндаси, машҳур давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуди куни муносабати билан Бобур ва бобурийлар тўғрисида романлар муаллифи, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров ҳузурида бўлиб, у киши билан шу мавзуда суҳбат қурдик.*

Фахр

# «БОРИ ЭЛГА ЯХШИЛИК ҚИЛҒИЛ...»

**— Пиримқул ака! Яқинда халқимиз буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг 569 йиллик таваллудини кенг нишонлади. Мана, орадан атиги бир неча кун ўтиб, яна бир улуғ сиймо — Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг 527 йиллигини нишонладик. Ҳаёт раво кўраётган бу изма-изликда ҳам гўё қандайдир рамзий маънолар йўқ эмасдай...**

— Бобур Алишер Навоий сиймосидан, унинг Ватан ва халқ олдида қилган буюк хизматларидан чуқур таъсирланиб яшади. Уни ўзига ҳар жиҳатдан ибрат намунаси, деб билди. У ҳам, бамисоли Навоий сингари, тилимизда буюк бир шеъриятни бизга мерос қилиб қолдириб кетди. Адабий тилимизнинг халқчиллик даражасини юксакларга кўтарди. Шунингдек, бамисоли Алишер Навоий сингари Бобур ўз салтанатида адабиёт, санъат, мусиқа, меъморчиликни тараққий эттиришга катта аҳамият берди. Кошоналар, боғлар барпо этди. Йўллар, ҳаммомлар, кўприклар, карвонсаройлар қурдирди. Ўз атрофига кўзга кўринган шоирлар, мусиқашуносларни йиғди. Масалан, машҳур муаррих Хондамир Ҳусайн Бойқаро салтанати инқирозга юз тутгач, Ҳиротдан Бобур ҳузурига келган эди.

Бобур Мирзо 22 ёшлик пайтида "Хатти Бобурий" деган янги алифбони кашф этди. Бу алифбо туркий тилнинг бой оҳанг ва товушларини тўлиқ ифода этишга имкон берищи билан ажралиб турар эди. Масалан, биздаги "Э", "Ў" каби товушлар араб тилида йўқ. Шунинг учун "эт" (гўшт) сўзи "ит" деб, "қўш" сўзи "қуш" деб ёзиларди. Араб тили имлоси араб тилининг хусусиятларини ўзида акс эттирган. Бу алифбо, масалан, форс тилининг хусусиятларини тўлиқ ифода этолмаганлиги сабабли форсийзабон алломаларнинг саъй-ҳаракатлари билан бундан минг йил олдин 4 та янги ҳарф киритилган эди. Бобур янги алифбони яратишда мана шу тажрибани ҳам ҳисобга олади. Айни вақтда у туркий халқлар яратган қадимги алифбони ҳам ўрганиб, уларнинг маъқул жойларини ўз алифбосига киритади. Аммо ўша замонанинг илғор, янги алифбоси бўлган "Хатти Бобурий" кенг тарқалмаган бўлсада, бу алифбо Бобурнинг тилимиз ривожи учун курашда Навоийнинг "Муҳокаматул-луғатайн" асаридан кейин қўйилган янги бир жасоратли қадами эди...

Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида мамлакатимизда мустақиллик даврида янги авлодни ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбиялаш тараққиётимизнинг энг устувор вазифаларидан бири даражасига кўтарилди. Бу йўналишда жуда катта ишлар амалга оширилаяпти. Мен айтмоқчиманки, ёшларимизнинг ички комиллигини ривожлантиришда тарихий-маданий меросимиз ҳам буюк мактаб хизматини ўтайди. Масалан, Бобурни олайлик. Унда "Яхшилик" сўзи радиф қилиб олинган нафис бир ғазал бор. Ғазалда асрлар давомида эскирмайдиган умрбоқий ҳаёт фалсафаси ниҳоят юксак сўз санъаткорлиги билан очиб берилган. Унда "Аҳли жаҳон ёмонлик қилса ҳам, сен унга ўхшама, ундан яхши бўл", деган фикр қуйидаги бешинчи байтда ўзининг теран фалсафий ифодасини топади:



*Бори элга яхшилик*
*қилғилки, мундан*
*яхши йўқ,*
*Ким дегайлар даҳр аро*
*қолди фалондин*
*яхшилик.*

Энди шу ўринда битта масалага эътиборни қаратайлик. Ғазалнинг якунловчи байти кишини чуқур ўйга толдиради:

*Яхшилик аҳли жаҳондин*
*истама Бобур киби,*
*Ким кўрибдур,*
*эй кўнгил, аҳли жаҳондин яхшилик.*

Аслида, жаҳонда яхшиликни истамайдиган одам йўқ. Унда Бобур нега, мен каби жаҳон аҳлидан яхшилик истама, деяпти? Яхшилик қилиб қўйиб, унга жавобан яхшилик кутиш, Бобур эътиқодига кўра, тамагирлик ҳисобланади. Демак, ғазал инсонни чин — беғараз яхшилик қилишга даъват этади. Бу — комилликнинг энг нодир жиҳатларидан биридир. Ҳозирги авлод ўтган аждодларимизнинг ана шундай нодир хислатларини ўзлаштирсалар, комилликка шу қадар яқинлашадилар.

**— Яқинда китобхонларга янги тарихий романингизни тақдим этдингиз. У "Шоҳруҳ ва Гавҳаршодбегим" деб аталади. Тўғрироғи, бу асар аввалги "Она лочин видоси" тарихий романингизни қайта ишлаш асосида дунёга келган. Энди шу асарга доир фикрларингизни билмоқчи эдик.**

— Тарихимизда "Темурийлар" деган оламшумул сулола бор. Мана шу сулолада учта сиймо — Амир Темур, Мирзо Шоҳруҳ ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур алоҳида ажралиб туради. Мазкур сулоланинг оламшумуллиги шундаки, бу сулола намояндалари нафақат миллатимиз, балки бутун инсоният тарихида фахрли ўрин тутади. Амир Темур вафот этганидан кейин парокандаликка учраган қудратли салтанат Мирзо Шоҳруҳ ҳукмронлиги даврида қайтадан тикланди. Турон, Хуросон ва Эронда марказлашган, қудратли ва гуллаб-яшнаган давлат шаклланди. Айнан унинг даврида Ҳирот ва Самарқанд Шарқнинг буюк маданият, илм-фан марказлари эди.

Чунончи, Гавҳаршодбегим ва Мирзо Улуғбек тақдирларида Мирзо Шоҳруҳ ҳал қилувчи ўрин тутади. Романни қайта ишлашда мана шу тарих ҳақиқатлари инобатга олинди.

Темурийлар сулоласи тўғрисидаги фикримни давом эттирадиган бўлсам, Шоҳруҳдан кейин Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг буюк иродаси, матонати ва нодир салоҳияти асосида бу сулола ўз мавжудлигини давом эттирди. Амир Темур барпо этган қудратли давлат Мирзо Шоҳруҳдан кейин тарих саҳнасидан тушаётганида, Бобур темурийлар салтанатини мамлакатдан-мамлакатга, асрдан-асрга олиб ўтиб, Ҳиндистонда унга янги қудрат бахш этди ва "Бобурийлар" деган сулолани яратдики, бу давлат яна 332 йил яшади. Шундай қилиб, Амир Темур салтанати бобурийлар ҳукмронлиги билан бирга салкам беш аср умр кўрди.

Гап салтанат умрининг узоқлигида эмас, ҳам дейлик. Лекин ушбу салтанат нега узоқ яшади, деган масала ўз-ўзидан туғилади. Ахир, кўз ўнгимиздаги қизил салтанат, бор-йўғи, етмиш йил мавжуд бўлиб, емирилди-ку? Нега шундай бўлди? Сабаби, қизил салтанат — халққа ва унинг манфаатларига қарши давлат эди. У кўп миллатли халқни куч, зуғум, таҳдид остида ушлаб туриб яшади. Бу салтанат тарихини ҳар ўн йилда уюштирилган қатағонлар, даҳшатли концлагерлар, тазйиқлар ва инсон қадрини топташга асосланган сиёсат ва мафкура белгилади.

Темурийлар ва бобурийлар салтанати инсоният тамаддунида фахрли ўрин тутади. Темурийлар ҳам, бобурийлар ҳам мамлакатни обод ва фаровон қилишни, халқни кўкартиришни, илм-фан, адабиёт ва санъат ҳамда ҳунармандчиликни ривожлантиришни бош вазифага айлантирди. Худди шу салтанатлар муҳитида Мирзо Улуғбекдай, Алишер Навоийдай, Бобурдай оламшумул сиймолар дунёга келди ва улар инсоният тамаддунининг ривожига бебаҳо ҳиссаларини қўшдилар.

Ҳинд халқининг буюк фарзанди Жавоҳарлаъл Неру ўзининг "Ҳиндистоннинг кашф этилиши" асарида: "Бобур дилбар шахс, Уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор сиймо бўлган", деган фикрни жаҳонда биринчи бўлиб айтди. Бу фикрнинг янгилиги шундаки, 1950 йилларда Уйғониш (Ғарбда "Возрождение" дейилади) тушунчаси Шарқдан чиққан буюк сиймоларга нисбатан татбиқ этилмас эди. Ғарбда Уйғониш даврининг титанлари деб тан олинган Микеланжело, Рафаэль, Шекспирлар Алишер Навоий ва Бобур билан асрдош бўлганликлари, Уйғонишдек буюк ҳодиса нафақат Ғарбда, балки Шарқда ҳам худди ўша XV — XVI асрларда юз берганини биринчи бўлиб эътироф этган ва бутун дунёга баралла эшиттириб айтган улуғ шахс Жавоҳарлаъл Неру бўлади.

Бутун борлиғи билан элимизга яхшилик қилиб кетган Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз баркамол шахсияти, сиёсий, илмий, ижодий жасорати билан халқимизнинг шон-шуҳратини оламга ёйган сиймо сифатида бугунги ва келгуси авлодларимиз учун ҳамиша севимли сиймо бўлиб қолаверади.

**М. САФАРОВ**
**суҳбатлашди.**



Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

# СОҒЛОМ, ЎКТАМ, ШИЖОАТЛИ

## Фарзандларимизнинг ана шундай вояга етишлари учун юртимизда барча шарт-шароитлар мавжуд.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Албатта, ёш авлодни тарбиялашда спортнинг ўрни бекиёс. Чунки у билан доимо ошно тутинган болалар нафақат жисмонан соғлом, балки маънан етук ҳам бўладилар. Спортнинг бирор тури билан шуғулланган бола келажакда ўз тенгкурларига кўп соҳаларда ўрнак бўлганлигига ҳаётда мисоллар бисёр. Шунинг учун ҳам бу масалага давлатимиз томонидан жуда катта эътибор қаратилмоқда.

Маълумотларга эътибор беринг: 2003 — 2009 йилларда юртимизда 1123 та спорт мажмуаси бунёд этилди. Эътиборлиси, уларнинг 922 таси қишлоқ жойларида қад ростлади. Яратилаётган имкониятлар туфайли мамлакатимизда оммавий, шу жумладан, футзал, аёллар футболи, синхрон сузиш каби спорт турлари ҳам тобора ривожланиб бормоқда. Машғулотларда қизларнинг фаол қатнашиши кузатилаётир. Хусусан, ҳозирги кунда 582 нафар қиз синхрон сузиш билан шуғулланаётган бўлса, улардан 233 нафари қишлоқ жойларидандир. Бадиий гимнастика тури билан эса 9150 нафар қиз машғул. Умуман, ҳозирда республикамизда жисмоний соғломлаштириш гуруҳлари ҳамда спорт билан мунтазам шуғулланувчи 6-18 ёшгача бўлган болалар 34,8 фоизни ташкил этади. Бу кўрсаткич йилдан-йилга яхшиланиб бораётир.

Асосийси, спорт билан мунтазам шуғулланадиган юзлаб иқтидорларимиз ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Жумладан, ўтган йилнинг ўзида истеъдодли ёш спортчилар, айниқса, қишлоқларда истиқомат қилувчи ёшларнинг бир гуруҳи Англия, Франция, Германия, Австрия, Италия, Руминия, Россия, Исроил, Малайзия, Таиланд каби давлатларда бўлиб ўтган ўқув-йиғин машғулотлари ва спорт фестивалларида қатнашиб келишди. Мана шундай чора-тадбирлар натижасида уларнинг халқаро мусобақаларда эришаётган муваффақиятлари салмоғи ҳам сезиларли даражада ошиб бормоқда. Яъни 2009 йилда 581 нафар ўқувчи (шундан 218 нафари қизлар) қиркдан зиёд мамлакатларда ташкил этилган турнирларда қатнашиб, 63 та олтин, 45 та кумуш ва 58 та бронза (жами 166 та) медалини қўлга киритди. 2008 йилда эришилган ютуқлар бундан бир неча баробар кам эди.

Маълумки, ўтган йилнинг июль ойида Сингапур шаҳрида ёшлар ўртасида биринчи Осиё ўйинлари ўтказилди. Унда қитъанинг 43 давлатидан 1400 нафарга яқин ёш спортчи иштирок этди. Ўзбекистон шарафини уч босқичли спорт мусобақаларининг дастлабкиси — "Умид ниҳоллари"да ўз маҳоратини намойиш этган 34 нафар ўғил-қиз ҳимоя қилди. Ёшларимиз бу каби нуфузли мусобақада илк бор қатнашаётган бўлсалар-да, совриндорлар сафидан жой олиб қайтишди.

Президентимиз Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг йиғилишларида янгитдан барпо этилаётган спорт мажмуаларини, асосан, маҳаллий корхоналаримизда ишлаб чиқарилган инвентарлар билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга эканлигини доимо таъкидлаб келадилар. Агар бундан беш йил муқаддам маҳаллий корхоналаримиз томонидан болалар спорти объектларини жиҳозлаш учун зарур 120 хил инвентардан 73 тури тайёрланган бўлса, эндиликда 118 хилдаги спорт жиҳозлари ўзимизда ишлаб чиқарилаётир. Жумладан, "Хўжаобод", "Отабек", "Машхим", "Спартак мега" масъулияти чекланган жамиятлари, "Стеклопластик", "Телеметрик" очиқ акциядорлик жамиятлари, "Азия-Спорт С" хусусий фирмаси каби кўплаб ишлаб чиқариш корхоналари бу ишга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Масалан, Наманган шаҳридаги "Машхим" масъулияти чекланган жамияти фаолиятини олайлик. Ушбу корхонада дастлаб дарвоза ва оддий тренажёр ускуналари тайёрланган бўлса, бугунги кунда 42 турдаги энг замонавий спорт инвентарлари ишлаб чиқарилмоқда. Маҳсулотлари хорижникига қараганда анча арзон ва сифатли. Шу боис талаб ҳам кун сайин ошиб бормоқда. Бошқа бир қатор корхоналар фаолияти ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Давлатимиз раҳбари ўз чиқишларидан бирида баркамол авлодни тарбиялаш ҳақида фикр билдириб, жумладан, шундай деган эдилар: "Биз учун давлат сиёсати даражасига кўтарилган устувор вазифа — нафақат маънавий етук, зукко ва билимдон, шу билан бирга, спорт ва кураш майдонларида тобланган, қийинчиликларни енгишга қодир, ирода ва эътиқоди бақувват, беллашувларда чиниққан мард фарзандларни тарбиялаш — бу бири-бирини тўлдирадиган, бири-биридан ажралмас ягона мақсад бўлиши даркор". Катта умидлар билан бошланган Баркамол авлод йилида мана шу эзгу мақсад йўлидаги саъй-ҳаракатлар янги поғонага кўтарилишига ишонамиз.

**Баҳодир СУВОНОВ,**
**Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижрочи директорининг ўринбосари.**

# Аждодларга эҳтиром

***Андижонда буюк шоир ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 527 йиллиги кенг нишонланди.***

Тадбир

Хусусан, вилоят марказидаги Конституция майдонида ўтказилган тадбирда Мирзо Бобур ҳайкали пойига анвойи гуллар қўйилди. Вилоят кенг жамоатчилиги вакиллари иштирок этган ушбу тантанада бобокалонимизнинг нафақат ўзбек, балки жаҳон адабиётида тутган забардаст ўрни ва хизматлари ҳақида атрофлича сўз юритилди.

Тадбирда санъаткорлар томонидан Бобур ғазаллари асосида тайёрланган концерт дастури намойиш этилди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Спорт

***Сирдарёлик Сарвиноз Қурбонбоева яқинда пойтахтимизда шахмат бўйича ўтказилган республика чемпионатида муваффақиятли иштирок этди.***

# САРВИНОЗ ЯНА ҒОЛИБ

У 16 ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги баҳсларда 9 имкониятдан 7,5 очко тўплаб, саккизинчи бор мамлакат чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлди. Эсингизда бўлса, Сарвиноз Қурбонбоева ўтган йили Ҳиндистон давлати мезбонлик қилган Осиё чемпионатида ҳам совриндорлар сафидан жой олган эди.

Иқтидорли шахматчимиз энди Грецияда бўладиган жаҳон чемпионатида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади.

**Ш. ХОЛМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ОБ-ҲАВО (16 февраль)

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Тунда 13-18, кундузи 0-5 даража совуқ бўлади.

**Бухоро ва Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик кутилмайди. Туман тушади. Ҳарорат кечаси 7-12, кундузи 0-5 даража совуқ. Навоий вилоятининг шимолий қисмида эса тунда 13-18, кундузи 0-5 даража совуқ бўлади.

**Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Туман тушади. Тунда 7-12 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Ёғингарчилик бўлмайди. Туман тушади. Ҳарорат кечаси 7-12 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илиқ бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Туман тушади. Тунда 5-10 даража совуқ, кундузи 1-6 даража илиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Ёғингарчилик кузатилмайди. Туман тушади. Тунда 7-12 даража совуқ, кундузи 3 даража совуқ билан 2 даража илиқ атрофида бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушади. Ҳарорат тунда 9-11 даража совуқ, кундузи 1-3 даража илиқ бўлади.

***«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.***


**Иш берувчилар диққатига!**

Ўз фуқаролик жавобгарлигингизни суғурталашни унутманг!



Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш – ижтимоий ҳимоя воситаси.

O'ZBEKINVEST · "O'ZAGROSUG'URTA" DAVLAT AKSIYADORLIK SUG'URTA KOMPANIYASI · KAFOLAT · Alliance Insurance · ALSKOM · ASIA insurance · IShONCh · KAPITAL SUG'URTA страховая компания · Standard Insurance · O'ZBEKINVEST HAYOT · UNIVERSAL SUG'URTA

O'ZBEKINVEST - тел.: 232-07-47; O'ZAGROSUG'URTA - тел.: 239-10-65; KAFOLAT - тел.: 239-48-86; ALLIANCE INSURANCE - тел.: 120-71-00; ALSKOM - тел.: 214-66-07; ASIA INSURANCE - тел.: 300-00-11; ISHONCH - тел.: 238-69-65; KAPITAL SUG'URTA - тел.: 232-02-02; STANDART INSURANCE - тел.: 256-26-99; O'ZBEKINVEST HAYOT - тел.: 252-78-48; UNIVERSAL SUG'URTA - тел.: 234-67-89.

90R/122

Хизматлар лицензияланган



Ташкилот пул ўтказиш йўли билан ип пайпоқ (носки) сотади (терминал бор).
Калава ип (пряжа) оламиз.
**Мурожаат учун тел.: (+9989) 799-76-66, 332-63-64.**


Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тошкент врачлар малакасини ошириш институти жамоаси Урология ва нефрология кафедрасининг мудири, профессор Асилбек Асадович Ғайбуллаевга волидаи муҳтарамаси
**Ўлмас ая ЁҚУБОВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Бирлашган касаба уюшма қўмитаси Тармоқлар иқтисодиёти кафедраси доценти
**Туйғун Лутфуллаевич ТУРСУНХОДЖАЕВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

"Ўзбекэнерго" ДАК ва "Ўзэлектртармоқ" УК жамоалари Марказий магистраль электр тармоқлари директори Шерзод Иноғомовга волидаи муҳтарамаси
**Саида ая ИСРОЙИЛОВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


**Халқ сўзи**
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 103. 63314 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятта келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

· МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.55 Топширилди — 23.45 1 2 3 5